

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ КАФЕДРАСИ

ҚОДИРОВ ШАМШОД

**МАВЗУ: Алеш Хрдличканинг антропология соҳасидаги
тадқиқотлари.**

5120300 – ТАРИХ (МАМЛАКТЛАР ВА МИНТАҚАЛАР) ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: Тарих кафедраси

Ўқитувчиси – Орзиев М. З.

Бухоро - 2016

**Мавзу: Алеш Хрдличканинг антропология соҳасидаги
тадқиқотлари.**

Режа:

Кириш

- 1. Алеш Хрдличканинг ҳаёти ва фаолияти хусусида**
- 2. Хрдличка яратган назария ва антропология соҳасидаги**

янгиликлар

- 3. Алеш Хрдличка асарларининг асосий мазмун моҳияти**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида дунё илм – фани кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, қолоқ ақидалар ва сохта қарашлар, назариялардан дунёга ва инсоният тарихига илмий баҳо бериш соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилган эди. Табиатшунослик, инсоннинг келиб чиқиши, антропология соҳасидаги ютуқларда чех миллатига мансуб бўлган Алеш Хрдличканинг хизматлари ҳам бекиёс бўлиб, у XIX иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ва ўз даврининг буюк антрополог олимларидан эди. Айтиш мумкинки, Алеш Хрдличка ҳаёти йўлида ўзининг иродаси, машаққатли меҳнати билан дунё аҳлидини лол қолдирган, Хрдличканинг инсоний хислатлари ва ватанни севиши ва уни ардоқлаши ҳам таҳсинга лойиқдир. Зеро Президентимиз И. А. Каримов: “Тарихни билга инсоннинг иродаси кучли бўлади, такрор айтаман иродаси кучли инсон бўлади¹” – деган эдилар. Бундай таъриф Алеш Хрдличка сингари шахсларга нисбатан ишлатилган бўлса ажаб эмас. Чунки, унинг ёшлигидан бошлаб тамаки фабрикасида ишлаб, мустақил равишда ўқиб изланиши, мустақил равишда амалиётларни ўзи ўташи натижасида дунё таниган олим бўлиб етишади. Аммо, ватани Чехословакияни унитмайди. Ҳатто, 1929 – йили 1 млн крона пулини Чехия илм – фани ривожига хайр – эҳсон қилади. Бу билан у ўзининг юксак инсоний фазилатларга ва маънавий етуклигини кўрсата олган эди. Президентимиз моддий ва маънавий баркамолликни қушнинг икки қанотига ўхшатган эдилар². Ана шундай маънавий хислатларга бой бўлган Алеш Хрдличка антропологиянинг ўз даври учун муҳим бўлган муаммолари, инсоннинг келиб чиқиши, Америка қитъасига ибтидоий одамларнинг келиб ўрнашиши, ирқлар ўртасидаги физиологик фарқлар ва бошқа соҳаларга оид муммоларга бағишланган тадқиқотларни олиб борди. Унинг илмий назариялари ва қарашлари ўз даврида жуда прогрессив ва аҳамиятли бўлиб,

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасис келажак йўқ. – Т.: Шарқ; 1998. – Б. 11.

² Каримов И. А. Юксак – маънавий енгилмас куч. – Т.: “Маънавий” 2008. – Б. 123.

кейинчалик у яратган назария ва қарашлар археология ва тўртламчи геология янгилари ҳам тасдиқлайди. Алеш Хрдличканинг илмий меросини ўрганиш орқали биз ибтидоий жамоа манбашунослиги ва антропогенез жараёни масалаларини тушуниб олиш имкониятига эга бўламиз.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Биз танлаган «Алеш Хрдличканинг антропология соҳасидаги тадқиқотлари» мавзусидаги курс иши лойиҳаси турли тарихий даврларда у ёки бу тарихчи ё бўлмаса, алоҳида тадқиқотчи томонидан тадқиқ этилган. Шунинг учун ушбу мавзу тарихшунослиги тарихий жараёнларга бориб тақалади. Аммо, биз яқин ўтмишдаги асарлар ва рисоалар орқали ушбу мавзунини тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Шунинг учун фойдаланилган адабиётларни бир неча гуруҳга бўлишга ҳаракат қилдик.

Биринчи гуруҳ адабиётларига собиқ шўролар даврида чоп этилган ва коммунистик мафкура таъсири остида синифийлик нуқтаи – назаридан ёндашилган асарларни киритишни лозим топдик. Уларга В. Н. Алексеев, А. И. Першиц, Д. Г. Реддер, Е. А. Черкасова, Э. Б. Тайлор, М. О. Косвен³ ва бошқаларни киритдик. Албата ушбу асарлардан фойдаланаётган вақтда уларга танқидий ёндашув нуқтаи – назаридан ўрганнишга ҳаракат қилдик.

Иккинчи гуруҳ адабиётлар сирасига биз мустқиллик даврида чоп этилган ва миллий истиқлол мафкураси ва тарихга баҳо беришда тарихийлик, холислик, адолатлилик ва ҳаққонийлик принциплари асосида яратилган асарларни киритдик. бу гуруҳдаги адабиётларга А. Кабиров, А. Жумаев, М. Орзиев, Ж. Эргашев ва бошқа муалифларни мисол қилиб келтириш мумкин⁴.

³ Алексеев В. П., Першиц А. И. История первобытного общества: учеб. Для вузов по спец. «История». – М.: Высш. Шк., 1990., Редер Д. Г., Черкасова Е. А. Қадимги дунё тарихи 1 – қисм. Ю. С. Крушқол таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1974., Косвен М. О. Ибтидоий ҷамият тарихидан очерқлар. – Т.: ўқитувчи 1960., Тайлор Э. Б. Первобытная культура: пер. с англ. – М.: Политиздат, 1989.

⁴ Кабиров А. Ибтидоий ҷамият тарихи – Т.: 2001., Жумев А. Ш. Ибтидоий ҷамият тарихи фанидан ўқув услубий қўлланма. – Бухоро. 2005. Орзиев М, Эргашев Ж. Ибтидоий ҷамият тарихидан атамалар изоҳли луғати. Ўқув услубий ишланма. – Бухоро «Дурдона» 2013.

Учинчи гуруҳ адабиётларига биз имкон қадар интернет материалларини киритишни лозим топдик. Аммо, интернет материалларидан фойдаланганда уларнинг барчаси ҳам илмий фаолиятга оид эмаслигини назарда тутиб улардан ҳам танқидий руҳда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зиёнет ва педагог уз сайтлари биз қизиқаётган мавзунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз⁵.

Мавзунини ўрганишдан мақсад ва вазифалар. Биз танлаган курс иши лойиҳаси “Алеш Хрдличканинг антропология соҳасидаги тадқиқотлари” мавзусини ўрганишда: Алеш Хрдличканинг ҳаёт йўли, унинг ёшлиги, илм – фанга қизиқиши, илмий фаолияти, антропология соҳасидаги мувофақиятлари, антропология соҳасидаги Хрдличка яратган назария ва янгиликлар, Алеш Хрдличканинг илмий экспедициялари, у ёзган асарлари, асарларининг асосий мазмун – моҳиятини курс иши лойиҳасида ёритишга асосий эътиборни қаратишни лозим топдик. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик.

- Алеш Хрдличканинг ҳаёти ва фаолияти хусусида тарихий адабиётлардаги фикрларни ўрганиш ва унинг ҳаёти ва фаолияти хусусида умумий маълумотларга эга бўлиш;

- Хрдличканинг антропология соҳасидаги назариялари ва илмий қарашларини ўрганиш ва уларнинг бугунги кун учун аҳамияти масалаларини очиқ бериш;

- Алеш Хрдличка яратган асарлар мазмуни билан танишиш, мазмун – моҳиятини таҳлил этиш ва уларда келтирилган ғояларга илмий шарҳ бериш;

Курс иши лойиҳасининг тузилиши: курс иши лойиҳаси кириш, уч банд хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ҳолда ёзилди.

⁵ www.ziynet.uz. www.pedagog.uz.

Алеш Хрдличканинг ҳаёти ва фаолияти хусусида.

Алеш Хрдличка XIX асрнинг охири - XX аср бошларида яшаган таниқли ва машҳур Чехиялик антрополог олим бўлиб, у 1869 йил 29 – март куни Чехиянинг Богомея ўлкасидаги Гумполец шаҳарчасида дунёга келади. Унинг вафоти 1943 – йилнинг 5 – сентябри АҚШнинг Вашингтон шаҳрида вафот этади. Алеш Хрдличка хизматлари эвазига 1903 – 1910 йилларда АҚШ антропология музейи ходими ва 1910 – 1942 йилларда ушбу музейнинг бошлиғи сифатида фаолият олиб борган. Шунингдек, у АҚШ антропологлар уюшмасини ташкил этган шахс бўлиб ҳам ҳисобланади. 1918 – йилдан эътиборан эса, “Америка физик антропология журналы” ни ҳам ташкил этадики, бу каби фаннинг мураккаб соҳасига бағишланган илмий журнал бу вақтларда ҳали дунёнинг бошқа мамлакатларида деярли камадан – кам учраб эди. Алеш Хрдличка илмий ишларида одамнинг эволюционистик йўл билан ривожланиб бориши, Америка қитъасига одамларнинг кириб келиш муаммолари, ирқларнинг ўзига хослиги каби қатор масалаларда ўз даврида тўлиқ ва аниқ ечимлар кўрсата олган эди⁶.

Бир қатор минтақа ва қитъалардаги антропологик экспедицияларда фаолият олиб борди. Жумладан, Жанбуй ва Шимолий Америкадаги ҳиндуларнинг антропологиясини ўрганишга қаратилган экспедицияларда, Алеут ва командор оролларида олиб борилган антропологик изланишлардаги тадқиқотлари натижасида Алеш Хрдличка Американинг туб жой аҳолиси бўлмиш ҳиндуларнинг Осиё минтақасидан кўчиб келганлигини тўлиқ исботлаб берди⁷.

Алеш Хрдличканинг ҳаёти билан танишар эканмиз, унинг оиласи Хрдличка 13 ёшга тўлганда, яъни 1882 – йили АҚШга кўчиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Оиланинг катталиги сабабли Алеш отасига

⁶ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15.

⁷ www.pedagog.uz

карашиши лозим бўлиб, ёшлигидан Нью – Йоркдаги тамаки заводларидан бирига кириб ишлай бошлайди. Тамаки фабрикасида ишлаб юрган вақтларда иш вақтининг узунлиги ва иш шароитининг ёмонлиги натижасида тез – тез касалга чалиниб турган. Хусусан тамаки фабрикасида унинг тиф билан касалланганлиги ҳам манбаларда тилга олинади. Ишнинг оғирлиги ва иш соатининг 10 – 12 соат бўлишига қарамай Алеш мустақил равишда билим олишга киришади. Кечки курсларга кириб ўқийди. Аттестатга имтиҳон топшириб, уни қўлга киритгач, медицина йўналишида ўқишини давом эттиришга қарор қилади. Чунки, унинг тамаки фабрикасида ишлаб юрган кезларида тез – тез касал бўлиши унда медицинага қизиқиш уйғотган эди. Кейинчалик Нью – Йоркдаги медицина билим юртида таҳсил олади. Коллежда Алеш асосан паталогия ва психик аномалияни ўрганишга эътиборини қаратади. Балтиморда Алеш Хрдличка хусусий малиёт ўтайди. Тарихчи олим Карл Стибрал фикрича, у инсонларнинг физик ҳолати ва характери ўргана бошлайди. Кейинроқ эса, унинг қизиқишлари доирасига антропометрия методлари ва унинг усуллари йўналиши ҳам киради⁸. Ўзи танлаган ушбу йўналишларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида Алеш Хрдличка 1896 – йили Париж шаҳрига келади ва бу ерда малакасини ошириш ва билимларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Парижда ушбу соҳаларнинг етакчи олими Л. П. Мануврие қўл остида ишлайди. Парижда олган билимлари уни антрополог бўлиб етишишида туртки бўлиб, у ўзининг бундан кейинги фаолиятини антропологияга бағишлашга қарор қилади. Айни вақтда Парижда антропология курсини тугатгандан кейин унга Вашингтонда давлат паталогия институтида ишлаш таклифи ҳам бўлган эди. Аммо, хрдличкани турли ирқларнинг антропологик хусусиятларининг фарқ қилиши кўпроқ қизиқтирган⁹.

⁸ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15.

⁹ www.ziynet.uz.

Антрополгия соҳасида Алеш Хрдличка ўзининг биринчи бора 1898 - йили Лумхольц томонидан Мексикага уюштирилган илмий экспедициясига қўшилиш билан бошлаб юборган эди. 1898 – йили АҚШга қайтиб, АҚШ табиат тарихи музейининг дала тадқиқотлари гуруҳига қўшилди. Аммо, ҳали антропология соҳасида танилиб улгурмаганлиги боис, уни бирор – бир нуфузли илмий экспедиция ўзига аъзо қилиб олмайди. Алеш Хрдличка 1898 – 1902 йиллар давомида яқка ўзи АҚШнинг Жанубий – ғарбий ҳудудларига саёҳат қилиб, илмий тажрибалар тўплайди. Бу йиллар давомида, яъни 1898 – 1903 йилларда ёш антрополог ҳар йили АҚШнинг Жанубий – ғарбий ҳудудларига ҳинду қабилаларнинг физик хусусиятларини ўрганишга боради. Олти йил давомида у Ютадан Марказий Мексикагача бўлган ҳинду қабилалар орасида бўлиб, уларнинг антропологияси билан яқиндан танишади. Шунингдек, табиат тарихи музейи томонидан ташкил этилган ва юқорида таъкидлангандек, АҚШнинг Жанубий – ғарбий ва Шимолий Мексикага ташкил этилган бир нечта илмий экспедицияларга аъзо бўлиб иштирок этади. 1903 – йилдан бошлаб Алеш Хрдличканинг нафақат илмий командировкалари балки, лекторлик ва публицистик фаолияти ҳам авж олади. Айтиш мумкинки, олим антропологияга оид илмий экспедициялар билан биргаликда бутун дунёни айланиб чиқади¹⁰.

Алеш Хрдличка 1905 – йилиапачи ва пима ҳинду қабилаларининг тана тузилишини ўрганган бўлса, 1908 – йили антропологик экспедиция аъзоси сифатида Миср ва Яқин Шарқда бўлади. 1910 - йилда эса, Перу, Аргентина, Панамада тарихгача бўлган давр одам қолдиқларининг скелетини тадқиқ этади. 1912 – йилда Мўғилистон ва Сибирдаги илмий экспедицияда бўлади. Жанубий Америка орқали АҚШга қайтган Алеш Хрдличка “Жанубий Америкада қадимги одам” деган мақоласини ёзади¹¹. 1915 – йилда Алеш Хрдличка ҳиндуларнинг Чиппаева қабиласига қизиқиб қолади. Ушбу қabila мисолида Хрдличка ҳиндуларнинг оқ одамлар билан ассимиляциялашиб

¹⁰ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15

¹¹ www.pedagog.uz

бориши, ҳиндулар орасида касалликларнинг тарқалиб бориши, хусусан ҳиндулар орасида туберкулёз касаллигининг тарқалиб боришини ўрганиб, ҳиндуларга юқумли касалликларни кўпроқ оқ танлилар юктиришини аниқлайди¹².

1903 – йили АҚШ пойтахти Вашингтонда табиат тарихи музейининг физик антропология бўлими ташкил этилади. Ушбу бўлимга Алеш Хрдличка ишга қабул қилинади. Ишга қабул қилинган Алеш Хрдличка 1910 – йили ушбу бўлим бошлиғи этиб тайинланади ва 1942 – йилга қадар табиат тарихи музейининг физик антропология бўлимининг бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатади. Шу вақтдан бошлаб, Алеш Хрдличка кўплаб антропологияга оид илмий экспедицияларни бошқаради. Дунёнинг турли минтақаларида бўлган илмий экспедицияларда қатнашган Алеш Хрдличка ҳатто қариган чоғида ҳам Аляскадаги дала амалиётларида иштирок этишни тўхтатмайди¹³.

Америка қитъасида олиб борган илмий изланишлари давомида Алеш Хрдличка асосан барча ерда ҳиндуларнинг Осиё минтақаси аҳолиси билан умумий ўхшашликларини излайди. Нафақат ушбу минтақаларнинг физиологик, балки, уларнинг товушлари ва кийинишлардаги ўхшашликларни ҳам излайди. XX асрнинг 20 – йиллари охири – 30 – йиллари бошларида Осиёдан Америкага келган қабилалар тарихини ўрганишни бошлайди. Антрополог олим ушбу қарашларини исботлаш мақсадида Аляскага Эскимослар орасига ўнта илмий экспедиция ташкил этган эди. Алеш Хрдличка тоонидан ташкил этилган бу антропологик экспедициялар натижасида Канада чегараларидан токим, беринг бўғозигача бўлган Аляска ярим ороли чегараларидаги аҳолининг мукамал антропологик жиҳатдан тадқиқ этилган. Ушбу экспедициялар натижасида СССРга қарашли командор оролларида ҳам илмий тадқиқт ишлари амалга оширилган. Аляскадаги

¹² www.ziynet.uz.

¹³ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15

сўнгги ўнинчи илмий экспедицияни олим ўзининг 70 ёшида 1938 – йили ўтказди. Олим ушбу экспедициялар натижасида Америкага одамлар Осиёдан кўчиб келган деган хулосаларга келади. Унинг фикрича, одамлар Америкага Осиё қитъасидан бундан 11 – 14 минг йиллар олдин келганлар¹⁴. Инсониятнинг келиб чиқиш муаммоси ва Осиёдан Америкага одамларнинг кўчиб келишига оид маълумотларни аниқлаш ва текшириш учун Алеш Хрдличка 1939 – йили собиқ СССР антропология Окладников билан бирга Ангара дарёси бўйларида илмий экспедицияда ҳамкорликда изланишлар олиб борган¹⁵.

Умри давомида олиб борган тадқиқотлари натижасида Алеш Хрдличка Американинг туб жой аҳолисининг Осиёдан кўчиб келганлиги билан боғлиқ илмий назариянинг асосчиси бўлганлиги, 1918 – йили “Америка физик антропологияси” илмий журнаliga асос солиши, 1929 – йили Америка физик антропологияси ассоциацияси асосчиси ва унинг биринчи президенти каби ишларни амалга оширганлиги билан тарих саҳифаларидан жой олган. Шунингдек, илмий изланишлари натижасида “АҚШнинг жанубий – ғарбий ва Мексика шимолидаги ҳиндуларнинг физиологик ва медицина кузатувлари натижалари” (1908 йил), “Жанубий Американинг қадимги одамлари” (1912 йил), “Физик антропология унинг предмети ва вазифалари” (1919 йил), “Антропометрия” (1920 йил), бу асарни кейинчали тўлдириб, илмий кузатувлар ва тажрибалар билан бойитиб 1939 – йили “Амалий антропология” номи остида нашр эттирган, “Америка ҳиндулари антропологияси” (1927 йил), “Энг қадимги одамларнинг скелет қолдиқлари” (1930 йил), “Осиёдан инсоннинг кириб келишига оид янги тадқиқотлар” (1932 йил) ва бошқа асарлари яратилган билиб, ушбу асарларда антропологиянинг ўша давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва саволларига

¹⁴Борисковский И. П. Древнейшее прошлое человечества (2 –е переработанное и дополненное издание) – М.: “Наука” 1980. – С. 201 – 202.

¹⁵ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15

жавоб изланган ва Алеш Хрдличканинг асосий ғоялари, илмий назарияси ва тадқиқотлари натижалари ёритилган¹⁶.

Дунё таниган антрополог олим инсонпарвар ва ватанпарвар инсон ҳам бўлган. У ўз ватни Чехияни ҳеч қачон унитмайди. Катта шуҳратга эга бўлиб, моддий жиҳатдан тўкинликка эришган даврларида ватанининг илм – фанига ҳомийлик қилиб турган. Бир неча бор Чехия фани тараққиёти учун пул ва моддий тортиқлар қилади. 1929 – йили эса, Алеш Хрдличка Чехословакия ҳукуматига 1 млн крон миқдорда пул беради. У берган пул эвазига Чехословакияда ўлкашунослик музейи курилади. Ушбу музей ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирда бу музей Карлово университети табиатшунослик факультетидаги Алеш Хрдличка номидаги музей бўлиб ҳисобланади¹⁷.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таниқли антрополог олим Алеш Хрдличка ҳаёт йўли ва олиб борган илмий тадқиқот ишлари дунё тарихининг, инсоният тарихининг илк босқичлари, яъни одамларнинг пайдо бўлиши, инсоннинг келиб чиқиши, инсонларнинг Америка қитъасига бориб ўрнашиши, ирқларнинг бир – биридан фарқланувчи хусусиятлари каби масалалар билан шуғулланган ва дунёда кўзга кўринган олимлардан бўлиб етишган. Олим инсоний хислатлардан ҳам йироқ бўлмай, ўз ватанини севиш, қаерда бўлмасин унинг порлоқ келажаги хусусида қайғуриш каби хислатлардан бегона бўлмаган. Бундан ташқари инсон иродаси, ҳар қандай шароитда билим олиш ва изланишдан чарчамаслик каби хислатлар билан ўзидан ёрқин из қолдирган шахс бўлиб ҳисобланади.

¹⁶ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15

¹⁷ www.педагог.уз

Хрдличка яратган назария ва антропология соҳасидаги янгиликлар.

Алеш Хрдличка ўз даврининг эволюционист олими бўлиб ҳисобланади. Яъни, унинг фикрича инсон эволюция маҳсулидир. Кўпгина антрополог олимлар ўша даврда неандерталь одами ва Кромоньон одамлари орасидаги оралик форма мавжуд деган қарашларда бўлган эди. Аммо, Хрдличка неандерталь одамлари эволюцион йўл орқали замонавий қиёфадаги инсонлар шаклига ўтганлар деган фикрни илгари суради. У ўзининг бу борадаги эволюцион назариясини ҳам яратган. Алеш Хрдличка назариясига қадар неандерталь одамларнинг генетик формалари ва уларнинг тақдири мунозарали эди. Кўпчилик олимлар неандерталь одамлар ва ҳозирги замон одамлари орасида катта фарқ бор, уларнинг орасида оралик одамнинг қазилма ёдгорлиги бўлиши керак деган фикрларни билдирар эди¹⁸.

Неандерталь одамлари мустье даври Европасининг асосий аҳолиси бўлиб, замонавий одамларнинг юқори палеолит даврида Европанинг шарқий қисмларидан кириб келганлар ва неандерталь одамлари билан уларнинг орасида боғлиқлик бўлмаган деган қарашлар XX асрнинг 30 – йилларига қадар фанда устун мавқега эга эди. Алеш Хрдличка 1927 – йилда бошқача назарияни илгари суриб, ушбу масалага чек қўйишг мувоффақ бўлди. Бу назария хронологик, географик ва морфологик қарашлардан ташкил топган эди. Хронологик жиҳатдан неандерталь одамлари жисмоний қиёфаси замонавий одамларникига ўхшаш одамлардан қадимийроқ бўлиб, улар мустье даврида яшаганлар, географик жиҳатдан неандерталь одамлари эски дунёнинг барча қитъаларида (Европа, Африка ва Осиёда) кенг тарқалган эдилар. Морфологик жиҳатдан эса, неандерталь одамлари ва замонавий қиёфадаги одамлар ўртасида қатор ўтиш формалари мавжуд бўлиб бўлиб, шу билан бирга Хрдличка замонавий одамнинг тўхтовсиз ривожланиш

¹⁸ Алексеев В. П., Першиц А. И. История первобытного общества: учеб. Для вузов по спец. «История». – М.: Высш. Шк., 1990. – С. 82.

жараёнини ва эволюциясига якун якун ясай оладиган гипотеза ярата олган эди¹⁹.

Америка қитъасида олиб борган илмий изланишлари давомида Алеш Хрдличка асосан барча ерда ҳиндуларнинг Осиё минтақаси аҳолиси билан умумий ўхшашликларини излайди. Нафақат ушбу минтақаларнинг физиологик, балки, уларнинг товушлари ва кийинишлардаги ўхшашликларни ҳам излайди. XX асрнинг 20 – йиллари охири – 30 – йиллари бошларида Осиёдан Америкага келган қабилалар тарихини ўрганишни бошлайди. Антрополог олим ушбу қарашларини исботлаш мақсадида Аляскага Эскимослар орасига ўнта илмий экспедиция ташкил этган эди. Алеш Хрдличка тоонидан ташкил этилган бу антропологик экспедициялар натижасида Канада чегараларидан токим, беринг бўғозигача бўлган Аляска ярим ороли чегараларидаги аҳолининг мукамал антропологик жиҳатдан тадқиқ этилган. Ушбу экспедициялар натижасида СССРга қарашли командор оролларида ҳам илмий тадқиқт ишлари амалга оширилган. Аляскадаги сўнгги ўнинчи илмий экспедицияни олим ўзининг 70 ёшида 1938 – йили ўтказди. Олим ушбу экспедициялар натижасида Америкага одамлар Осиёдан кўчиб келган деган хулосаларга келади. Унинг фикрича, одамлар Америкага Осиё қитъасидан бундан 11 – 14 минг йиллар олдин келганлар²⁰. Инсониятнинг келиб чиқиш муаммоси ва Осиёдан Америкага одамларнинг кўчиб келишига оид маълумотларни аниқлаш ва текшириш учун Алеш Хрдличка 1939 – йили собиқ СССР антропология Окладников билан бирга Ангара дарёси бўйларида илмий экспедицияда ҳамкорликда изланишлар олиб борган²¹.

Шу вафатгача, Америка қитъасига одамларнинг кириб келиши билан боғлиқ қарашлар ва назариялар мавжуд эди. Аммо, уларнинг бирортасида

¹⁹ Алексеев В. П., Першиц А. И. История первобытного общества: учеб. Для вузов по спец. «История». – М.: Высш. Шк., 1990. – С. 82.

²⁰ Борисковский И. П. Древнейшее прошлое человечества (2 –е переработанное и дополненное издание) – М.: “Наука” 1980. – С. 201 – 202.

²¹ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15

аниқ исбот ва далиллар етишмас эди. Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олимларнинг бир гуруҳи Америка қитъасига одамларнинг кўчиб келишини қадимги дунё тарихидаги афсоналарга этиб боғлашга ҳаракат қилар эдилар. Айрим олимлар Марказий Америкадаги ҳиндуларнинг Африкадаги қадимги цивилизацияларга алоқадаорлиги исботлашга уринишлар, қарашлар ва назариялар мавжуд эди. Аммо, биз юқорида Алеш Хрдличка тадқиқотларини келтириб ўтиб, бу қарашларнинг хатолигини исботлашга ҳаракат қилидк. Алеш Хрдличка фикрлари ва антропологик тадқиқотлари, шунингдек, назарияларининг тўғрилигини, яъни ибтидоий одамларнинг Беринг бўғози орқали Америка қитъасига кириб борганлигини бугунги кунда, тўртламчи геология ва археологиянинг ютуқлари ҳам исботлаб турибди²².

Америка қитъасига ибтидоий одамларнинг кириб бориши хусусида Алеш Хрдличкага қадар кўплаб назариялар яратилган эди. Шу назария ва қарашлардан яна бири Француз олими Поль Рив назарияси бўлиб, унинг фикрича, ибтидоий одамлар Америка қитъасига жанубий – шарқий Осиёдан кириб борганлар. Поль Рив этнолог олим бўлиб, у узоқ йиллар давомида Жанубимй Америка ва жанубий – шарқий Осиё халқларининг тили ва маданиятидаги умумийлик масалаларини тадқиқ этган. Тилдаги ва моддий маданиятдаги қатор умумийликни мисол қилиб Поль Рив бир неча ўн млн йил олдин ва музлик даврида одамлар Тинч океани ороллари орқали Жанубий – Шарқий Осиё Америка қитъаси билан уланган ва ибтидоий одамлар ороллар занжири орқали америкага бориб қолганлар деган фикрларни илгари суради²³. Аммо, унинг назарияси кенг илмий жамоатчилик томонидан қўллаб – қувватланмаган.

²² Алексеев В. П., Першиц А. И. История первобытного общества: учеб. Для вузов по спец. «История». – М.: Высш. Шк., 1990. – С. 176.

²³ Алексеев В. П., Першиц А. И. История первобытного общества: учеб. Для вузов по спец. «История». – М.: Высш. Шк., 1990. – С. 175.

Америка қитъасига ибтидоий одамларнинг кириб бориши хусусидаги яна бир назария, Шимолий Америка хиндуларининг антропологик тузилиши билан боғлиқ бўлиб, айтиш мумкинки, Шимолий Америка хиндуларининг тана тузилиши Жанубий Америка хиндуларининг тана тузилишидан анчагина фарқ қилган. Бир қатор олимлар Шимолий Америка хиндуларининг тана тузилиши Европоид ирқига яқин туришини ҳисобга олиб, Шимолий америка хиндуларининг илк ўрта асрларда Скандинавия Нормандлари авлодлари деб ҳисоблаганлар²⁴. Уларнинг фикрича эса, одамлар Британия ороллари, ирландия ва Исландия, шунингдек, Гренландия орқали Шимолий Америкага келиб қолганлар деган назария ҳам олимлар орасида машҳур бўлган. Ана шундай кўпдан – кўп қарашлар ва назариялардан бирортаси ўзининг тўлиқ исботини топган эмасди. Шунинг учун Алеш Хрдличка бир қатор илмий изланишларини хусусан ўнлаб илмий экспедицияларини Беринг бўғози орқали Осиёдан одамларнинг Америкага кириб келганлиги билан боғлиқ назариясини исботлашга ҳаракат қилди. Ушбу изланишлар натижасида унинг назарияси бошқа назарияларга нисбатан илмий асосланганлиги ва далил исботларнинг етарли даражада эканлиги ўз тасдиғини топади. Кейинчалик, олимнинг назариясини замонавий археология ва тўртламчи антроплогия фанлари ҳам исботлади. Чунки, ҳозирги кунда Беринг бўғозининг эни 14 км бўлиб, музлик даврида океан сувининг муз ҳолатида шимолий минтақада тўпланиши ва бунинг устига денгиз сувининг музланиши Америка ва Осиё минтақасининг қуриқлик орқали бир – бири билан боғлаган. Шу сабабли, музлик даврининг сўнгги босқичида одамлар ер юзининг барча қитъасига тарқалишга улгурганлар. Бу Алеш Хрдличка қилган кашфиётлардан бири бўлиб ҳисобланади²⁵.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алеш Хрдличка XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида яшагн ва ибтидоий жамоа тарихининг энг қадимги

²⁴ www.педагог.уз

²⁵ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15

даврларини тадқиқ этишда улкан ҳисса қўшган олимлардан бири бўлиб ҳисобланади. Хрдличканинг ибтидоий одамларнинг тана тузилиши, ирқлар орасидаги фарқлар, инсоннинг келиб чиқиш муаммоси, Америка қитъасига ибтидоий одамларнинг кириб келиши билан боғлиқ қарашлари ва назарияларни яратдики, бу қарашлар ва назариялар ўзининг илмий асосланганлиги, далил ва исботларга бойлиги, археологик, антропологик ва тўртламчи геология соҳларининг материаллари билан мос тушиши каби катор исботлар билан алмашилган. Шу сабабли Алеш Хрдличка ўз даврининг буюк антрополог олими бўлиб етишди.

Алеш Хрдличка асарларининг асосий мазмун моҳияти.

Умри давомида олиб борган тадқиқотлари натижасида Алеш Хрдиличка Американинг туб жой аҳолисининг Осиёдан кўчиб келганлиги билан боғлиқ илмий назариянинг асосчиси бўлганлиги, 1918 – йили “Америка физик антропологияси” илмий журнаliga асос солиши, 1929 – йили Америка физик антропологияси асоссоциацияси асосчиси ва унинг биринчи президенти каби ишларни амалга оширганлиги билан тарих саҳифаларидан жой олган. Шунингдек, илмий изланишлари натижасида “АҚШнинг жанубий – ғарбий ва Мексика шимолидаги ҳиндуларнинг физиологик ва медицина кузатувлари натижалари” (1908 йил), “Жанубий Американинг қадимги одамлари” (1912 йил), “Физик антропология унинг предмети ва вазифалари” (1919 йил), “Антропометрия” (1920 йил), бу асарни кейинчали тўлдириб, илмий кузатувлар ва тажрибалар билан бойитиб 1939 – йили “Амалий антропология” номи остида нашр эттирган, “Америка хиндулари антропологияси” (1927 йил), “Энг қадимги одамларнинг скелет қолдиқлари” (1930 йил), “Осиёдан инсоннинг кириб келишига оид янги тадқиқотлар” (1932 йил) ва бошқа асарлари яратилган бўлиб, ушбу асарларда антропологиянинг ўша давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва саволларига жавоб изланган ва Алеш Хрдличканинг асосий ғоялари, илмий назарияси ва тадқиқотлари натижалари ёритилган²⁶.

Алеш Хрдличка асарларидаги асосий ғоялар ва назариялар у олиб борган илмий экспедицияларининг илмий ҳисоботлари десак муболаға бўлмайди. Юқоридаги бандларда биз Алеш Хрдличканинг АҚШ паталогия институтига таклиф этилган ишни рад этиши ва табиатшунослик музейининг ёш антропологлари сафига қўшилиши хусусида фикр юритиб, уни асосан ирқларнинг тана тузилиши билан боғлиқ муаммо қизиқтирганлиги билан боғлиқ масалалар хусусида атрофлича фикр юритган эдик. Шунингдек, Алеш Хрдличка кўп вақтини ва илмий экспедицияларини хиндулар тана тузилиши,

²⁶ 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15

инсонларнинг Осиёдан америкага кўчиб келишини ўрганишга бағишлаб, ўнлаб илмий экспедицияларини Аляскада ташкил этгани билан боғлиқ фикрларни ҳам келтириб ўтган эдик²⁷. Шу сабабли Алеш Хрдличка кўпроқ тадқиқотларини монголоид ирки хусусиятларига бағишлаган деб айта олишимиз мумкин. У монголоид иркининг хусусиятларини ўрганиб чиқиб, Арктика районларида акс этган ёруғ кўзга кучли таъсир қиладиган шароитда яшаган одамларда монголоид ирки хусусиятлари таркиб топган деган хулосага уқелади. Шунингдек, монголоидни чанг, кум, ёрқин нур ва музлаб қолишдан ҳимоя қилувчи воситалар сифатида унинг юзида бўртган қовоқлар (кўзларнинг доим қисилиши ва қовоқларнинг зўр бериб ишлаши орқасидан мускул тўқимаси ҳажмининг катталашиши сабабли) кўзнинг ички бурчаги билан ёшли бўртмасини беркитадиган тери бурмаси (эпикантус) кўзнинг тор оралиғи, юзида каттагина ёғ қатлами пайдо бўлиши аниқланган. Ясси қаншар бурун бўшлиғида совуқ ҳавонинг бемалол айланиб юришини қийинлаштирган каби маълумотларни аниқлаган²⁸.

Юқоридаги бандларда биз Алеш Хрдличкага қадар ҳам Америка китъасига ибтидоий одамларнинг кириб келиши билан боғлиқ назария ва қарашлар хусусида тўхталиб ўтган эдик. Ана шундай кўпдан – кўп қарашлар ва назариялардан бирортаси ўзининг тўлиқ исботини топган эмасди. Шунинг учун Алеш Хрдличка бир қатор илмий изланишларини хусусан ўнлаб илмий экспедицияларини Беринг бўғози орқали Осиёдан одамларнинг Америкага кириб келганлиги билан боғлиқ назариясини исботлашга ҳаракат қилди. Ушбу изланишлар натижасида унинг назарияси бошқа назарияларга нисбатан илмий асосланганлиги ва далил исботларнинг етарли даражада эканлиги ўз тасдиғини топади. Кейинчалик, олимнинг назариясини замонавий археология ва тўртламчи антропология фанлари ҳам исботлади. Чунки, ҳозирги кунда Беринг бўғозининг эни 14 км бўлиб, музлик даврида

²⁷Борисковский И. П. Древнейшее прошлое человечества (2 –е переработанное и дополненное издание) – М.: “Наука” 1980. – С. 202.

²⁸Реддер Д. Г., Черкасова Е. А. Қадимги дунё тарихи I қисм Ю. С. Кушқол таҳрири остида – Т.: Ўқитувчи. 1974. – Б. 42.

океан сувининг муз ҳолатида шимолий минтақада тўпланиши ва бунинг устига денгиз сувининг музланиши Америка ва Осиё минтақасининг куриқлик орқали бир – бири билан боғлаган. Шу сабабли, музлик даврининг сўнгги босқичида одамлар ер юзининг барча қитъасига тарқалишга улгурганлар. Бу Алеш Хрдличка қилган кашфиётлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Алеш Хрдличка ўз даврининг эволюционист олими бўлиб ҳисобланади. Яъни, унинг фикрича инсон эволюция маҳсулидир. Кўпгина антрополог олимлар ўша даврда неандерталь одами ва Кромоньон одамлари орасидаги оралик форма мавжуд деган қарашларда бўлган эди. Аммо, Хрдличка неандерталь одамлари эволюцион йўл орқали замонавий қиёфадаги инсонлар шаклига ўтганлар деган фикрни илгари суради. У ўзининг бу борадаги эволюцион назариясини ҳам яратган. Алеш Хрдличка назариясига қадар неандерталь одамларнинг генетик формалари ва уларнинг тақдири мунозарали эди. Кўпчилик олимлар неандерталь одамлар ва ҳозирги замон одамлари орасида катта фарқ бор, уларнинг орасида оралик одамнинг қазилма ёдгорлиги бўлиши керак деган фикрларни билдирар эди²⁹.

Неандерталь одамлари мустье даври Европасининг асосий аҳолиси бўлиб, замонавий одамларнинг юқори палеолит даврида Европанинг шарқий қисмларидан кириб келганлар ва неандерталь одамлари билан уларнинг орасида боғлиқлик бўлмаган деган қарашлар XX асрнинг 30 – йилларига қадар фанда устун мавқега эга эди. Алеш Хрдличка 1927 – йилда бошқача назарияни илгари суриб, ушбу масалага чек қўйишг мувоффақ бўлди. Бу назария хронологик, географик ва морфологик қарашлардан ташкил топган эди. Хронологик жиҳатдан неандерталь одамлари жисмоний қиёфаси замонавий одамларникига ўхшаш одамлардан қадимийроқ бўлиб, улар мустье даврида яшаганлар, географик жиҳатдан неандерталь одамлари эски

²⁹ Алексеев В. П., Першиц А. И. История первобытного общества: учеб. Для вузов по спец. «История». – М.: Высш. Шк., 1990. – С. 82.

дунёнинг барча қитъаларида (Европа, Африка ва Осиёда) кенг тарқалган эдилар. Морфологик жиҳатдан эса, неандерталь одамлари ва замонавий қиёфадаги одамлар ўртасида қатор ўтиш формалари мавжуд бўлиб бўлиб, шу билан бирга Хрдличка замонавий одамнинг тўхтовсиз ривожланиш жараёни ва эволюциясига якун якун ясай оладиган гипотеза ярата олган эди³⁰.

Умумий хулоса қилиб айтганда, Алеш Хрдличка ўзининг асарларида ҳам умуинсоний ғояларга хизмат қилувчи, далил ва исботларга таянган қарашларни илгари сурди. У инсоният тарихининг энг қадимги давларини тадқиқ этиш усуллари ва воситаларининг XX аср учун энг мукаммал йўллари излаб топди.

³⁰ Алексеев В. П., Першиц А. И. История первобытного общества: учеб. Для вузов по спец. «История». – М.: Высш. Шк., 1990. – С. 82.

Хулоса.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таниқли антрополог олим Алеш Хрдличка ҳаёт йўли ва олиб борган илмий тадқиқот ишлари дунё тарихининг, инсоният тарихининг илк босқичлари, яъни одамларнинг пайдо бўлиши, инсоннинг келиб чиқиши, инсонларнинг Америка қитъасига бориб ўрнашиши, ирқларнинг бир – биридан фарқланувчи хусусиятлари, уларнинг физиологик ва морфологик тузилишлари билан боғлиқ кўпдан – кўп масалалар билан шуғулланган ва дунёда кўзга кўринган олимлардан бўлиб етишган. Олим инсоний хислатлардан ҳам йироқ бўлмай, ўз ватанини севиш, қаерда бўлмасин унинг порлоқ келажаги хусусида қайғуриш каби хислатлардан бегона бўлмаган. Бундан ташқари инсон иродаси кучи нималарга қодирлиги, ҳар қандай шароитда билим олиш ва изланишдан чарчамаслик, ватанини инсон қаерда бўлмасин эсдан чиқармаслиги лозимлиги, инсоний, миллий, умуминсоний ғояларга юксак ҳурматда бўлиш каби хислатлар билан ўзидан ёрқин из қолдирган шахс бўлиб ҳисобланади.

Алеш Хрдличка XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида яшаган ва ибтидоий жамоа тарихининг энг қадимги даврларини тадқиқ этишда улкан ҳисса қўшган олимлардан бири бўлиб ҳисобланади. Хрдличканинг ибтидоий одамларнинг тана тузилиши, ирқлар орасидаги фарқлар, инсоннинг келиб чиқиш муаммоси, Америка қитъасига ибтидоий одамларнинг кириб келиши билан боғлиқ қарашлари ва назарияларни яратдики, бу қарашлар ва назариялар ўзининг илмий асосланганлиги, далил ва исботларга бойлиги, археологик, антропологик ва тўртламчи геология соҳларининг материаллари билан мос тушиши каби қатор исботлар билан алмашилган. Шу сабабли Алеш Хрдличка ўз даврининг буюк антрополог олими бўлиб етишди.

Умумий хулоса қилиб айтганда, Алеш Хрдличка ўзининг асарларида ҳам умуминсоний ғояларга хизмат қилувчи, далил ва исботларга таянган қарашларни илгари сурди. У инсоният тарихининг энг қадимги даврларини

тадқиқ этиш усуллари ва воситаларининг XX аср учун энг мукаммал йўллари излаб топди.

Алеш Хрдличканинг илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш бизга ибтидоий жамият тарихининг антропогенез жараёнларини тўғри ўрганиш ва тушуниб олиш масалаларида катта ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Президент И. А. Каримов асарлари

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасис келажак йўқ. – Т.: Шарқ; 1998 .
2. Каримов И. А. Юксак – маънавият енгилмас куч. – Т.: “Маънавият” 2008.

Адабиётлар

3. Алексеев В. П., Першиц А. И. История первобытного общества: учеб. Для вузов по спец. «История». – М.: Высш. Шк., 1990. – С. 351.
4. Борисковский И. П. Древнейшее прошлое человечества (2 –е переработанное и дополненное издание) – М.: “Наука” 1980. – С. 240.
5. Реддер Д. Г., Черкасова Е. А. Ёлдимги дунё тарихи I қисм Ю. С. Кушқол тахрири остида – Т.: Ўқитувчи. 1974. – Б. 288.
6. 100 лет со дня рождения А. Грдлички // вопросы антропологи – М.: 1962. № 33. – С. 3 – 15.
7. Кабиров А. Ибтидоий жамият тарихи – Т.: 2001.
8. Жумев А. Ш. Ибтидоий жамият тарихи фанидан ўқув услубий қўлланма. – Бухоро. 2005.
9. Орзиев М, Эргашев Ж. Ибтидоий жамият тарихидан атамалар изоҳли луғати. Ўқув услубий ишланма. – Бухоро «Дурдона» 2013.
10. www.ziynet.uz.
11. www.pedagog.uz